**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича**
**ШАРТНОМА № _101__**

Охангарон ш. 2022 йил « 26 » апрел

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH" номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Эшимова Нилуфар Нурмухамматовна (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади) бир томондан ва **Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати** номидан Низом асосида фаолият юритувчи И.Р.Хамдамов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади),иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига кадар хар куни Буюртмачини иссиқ овқат билан таъминлаш хизматини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «26» апрелдан.

2022 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар учун 20 фоизгача устама ҳақини олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофик бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни соз холда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни кабул килиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўкитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);

2.2.16. Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чикарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб килиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;

2.3.3. Шартномани бекор килиш тўгрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Конун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хакини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошка моддий воситаларни вактинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофик хизматлар нархи **94 564 800 (Тўксон тўрт миллион беш юз олтмиш тўрт минг саккиз юз)** сўмни ташкил этади.

3.2. "Буюртмачи" етказиб бериладиган «хизмат»лар туркуми суммасининг 30 фоизи микдорида олдиндан хак тўлайди. Етказиб берилган «хизмат»лар учун кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил хисоб-китоб килинади. Етказиб берилган «хизмат»лар учун пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони хакидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофик Аутсорсер билан биргаликда хар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан кайта кўриб чикилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни хамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

**V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби**

5.1. Ушбу шартнома шартларини ва шартноманинг бошка коидаларини бажариш муносабати билан томонлар уртасида юзага келадиган низолар томонларнинг узаро келишуви билан хал килинади. Агар тарафлар низо буйича узаро келишувга эриша олмасалар, низо Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда Истеъмолчининг манзили бўйича тегишли Судлар оркали хал килинади.

5.2. Битимнинг хар бир томони коррупцияга карши кураш бўйича унга нисбатан кўлланиладиган барча тегишли шартлар ва талабларни , шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги ва меъёрий хужжатларини тушунишини билдиради ва кафолатлайди.

5.3. Ушбу шартноманинг бутун амал килиш муддати давомида Истеъмолчи (шунингдек, унинг мансабдор шахслари, рахбарлари, ходимлари, агентлари ва бошка вакиллари) Етказиб берувчи, Буюртмачи ва Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида унинг агенти ёки вакили сифатида ишлайди. Коррупцияга карши курашиш бўйича конун ва меъёрий хужжатларнинг тегишли шарт ва талабларига катъиий риоя килиш.

**VI. Форс-мажор холатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай холатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда холатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдикланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

**VII. Якунловчи коидалар**

7.1. Ушбу Шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг хакикий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз хукук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

**VIII. Шартноманинг амал килиш муддати**

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача кадар амал килади.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

| «Аутсорсер» | | «Буюртмачи» |
|---|---|---|
| **МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** | | **Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати** |
| **Манзил:** Тошкент вилояти Охангарон тум., Ён арик, Ду[illegible] кўчаси 2 | | **Манзил:** Тошкент вилояти Ахангарон шахар Амир Темур кўчаси 1а уй |
| **Тел.:** 97 [illegible]490042 | | **Тел:** 70-645-27-66 |
| **Х/р:** 20 208 000 [illegible] 524 002 | | **Х/р:** 10002186027415 709230007500l |
| **Х/р:** | | **ИНН:** 307 979 667 **ОКЭД:** |
| ГУЛИСТОН Ш.. "И[illegible]ЕКА-БАНК" АТИБ | | |
| СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ | | **Х/р:** 23 402 000 300 10 000 1010 |
| **ИНН:** [illegible] 816 93[illegible] **МФО:** 00 364. | | **ИНН:** [illegible] 919 **МФО:** 00 014 |
| | | |
| **Рахбар:** Н.Н.Эшимова | | **Рахбар:** И.Р.Хамдамов |

Хукукшунос:

2536458

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"FAROVON - YUKSALISH - QURILISH" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"FAROVON - YUKSALISH - QURILISH" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

28.10.2019 774663 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306816933

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Ohangaron tumani, Yon-ariq, Do'stlik ko'chasi-52,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Ohangaron tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

Scanned with CamScanner

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 70500 на приобретение Услуга аутсорсинга (тайёр иссик овкат билан таъминлаш хизмати)

Способ проведения электронный

Дата 21.04.2022

Время рассмотрения 21.04.2022 16:23

Конкурсная комиссия Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | HAMDAMOV ILXOM RAXMATOVICH | рахбар | Охангарон - Коракул мактаб интернати |
| **Секретарь комиссии** | FAYZULLOYEVA SOJIDA ULUG'BEKOVNA | ММБДИЎ | Охангарон ш Коракул мактаби |
| **Член комиссии** | BOTIROVA MALIKA KURBANALIYEVNA | Касаба уюшма раиси | Охангарон н Коракул мактаб интернати |
| **Член комиссии** | PARDANAZAROV DOSTONBEK FARXOD O'G'LI | хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари | Охангарон ш Коракул мактаб интернати |
| **Член комиссии** | PARDAYEVA UMIDA ABJAPAROVNA | хамшира | Охангарон ш Коракул мактаб интернати |
| **Член комиссии** | SHARIPOVA NAFISA OLIMOVNA | ўкитувчи | Охангарон ш Коракул мактаб интернати |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.04.2022 года № лота 70500.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
| Подробное описание | Охангарон ш Коракул мактаб интернати иссик овкат билан таминлаш хизмати. |
| Количество товара | 3 582.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 26 520.00 |
| Стартовая сумма | 94 994 640.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Кафолат хати.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишлатиладиган товар ва хом ашёларнинг сифати, кафолат муддати, ўрнатиладиган қурилмаларга 12 (Ўн

икки) ой давомида кафолат бериши ва бепул техник хизмат кўрсатиш кафолати.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH | 20 | Кафолат хати | 15 | Экспертная | | |
| MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH | 20 | Кафолат хати | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Эълон амал қилиш даврида иштирокчининг ДСИдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи мавжуд эмаслиги, қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ҳужжатлар ва тегишли банкларнинг тавсия хати (танлов бошланиш даврига).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH | 20 | Хат | 15 | Экспертная | | |
| MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH | 20 | 26500 | 15 | Экспертная | | |
| MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH | 20 | 1 кунлик нарх 22000 сумдан, Карорга асосан 20% билан 26400 сум. | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH | 94 994 640.00 | 94 923 000.00 | 19.04.2022 08:56:13 | 4.98 |
| MCHJ FAROVON - | 94 994 640.00 | 94 564 800.00 | 19.04.2022 | 5.00 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ...SALISH - QURILISH | | | 13:01:22 | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH | 71.25 | 4.98 | 76.23 |
| MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH | 95 | 5 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 70500 от 21.04.2022 года на приобретение Услуга аутсорсинга (тайёр иссик овкат билан таъминлаш хизмати) определила победителем:

MCHJ FAROVON - YUKSALISH - QURILISH
306816933

и резервный исполнитель: YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH (612072860)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | HAMDAMOV ILXOM RAXMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BOTIROVA MALIKA KURBANALIYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | PARDANAZAROV DOSTONBEK FARXOD O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | PARDAYEVA UMIDA ABJAPAROVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"Тасдиклайман"
Охангарон-Қоракўл мактаб
интернати директори
________ Хамдамов И.Р

«25» 04 2022 йил Охангарон ш.

Охангарон –Коракул мактаб –интернати болаларини тайёр иссиқ овкат билан таьминлаш юзасидан
Баёномаси № 2

**Йиғилиш раиси:**

*Мактаб ввб директори* *Хамдамов И.Р*
*(лавозими)* *(Ф.И.Ш.)*

**Йиғилиш катнашчилари**:

*Мактаб ММИБДЎ* *Файзуллоева С*
*Мактаб ХИБДЎ* *Парданазаров Д.Ф*
*Мактаб хамшираси* *Пардаева У*
*Касаба уюшма раиси* *Ботирова М.К*

**KUN TARTIBI:**

1. Охангарон- Коракул мактаб-интернати укувчиларини 2022-йил май ойи учун тайёр иссик овкат билан таьминлаш юзасидан келган тижорат таклифларини ўрганиш хақида.
2. Мактаб укувчиларинии 2022-йил май - ойи учун тайёр иссиқ овқат билан таьминлаш юзасидан келган тижорат таклифларини мухокамага куйилиши юзасидан.

**Эшитилди**:

Охангарон- Коракул мактаб-интернати ввб директори Хамдамов И.Р сўзга чикиб, Конкурсни очик деб эълон килди ва Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684 -сонли конунини хамда Адлия Вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган 3016-сонли низомларига асосан . Охангарон- Коракул мактаб-интернати нинг укувчиларини 2022-йил __ апрел _ойи учун тайёр иссик овкат билан таьминлаш учун Давлат харидлари парталига ЛОТ -22110012070500__ 14.04. .2022й санадан 21. 04. .2022 йил эълон жойлаштирилганлигини айтиб ўтди. Мактаб-интернатининг укувчиларини тайёр иссик овкат билан таьминлаш учун "ООО Kinder Garden Group"Х/К "Khaldarov Sherzod Tulkinovich"YATT ,"Kelajak Sarvinoz FBM"MCHJ ва "FARAVON-YUKSALISH-QURILISH " ХК ташкилотларидан тижорат таклифи берилганлигини таъкидланиб ва берилган тижорат таклифлари бўйича ўрганилиб, солиштирилди **ва "FARAVON-YUKSALISH-QURILISH " ХК томонидан тақдим қилинган тижорат таклифи умумий овоздан макулланди, этирозлар йук.**

Келган тижорат таклифларидан энг макбули деб "FARAVON-YUKSALISH-QURILISH " ХК топилди .

Кун тартибидаги масалаларни мухокама қилиб йиғилиш

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Ўкиб эшиттирилганлар маьлумот ва ижро учун кабул килинсин .
2. Келган тижорат таклифларидан энг макбулини танлансин .
3.Ушбу карорлар назорати комиссия раиси зиммасига колдирилсин .

*Мактаб ММИБДЎ* *Файзуллоева С*
*Мактаб ХИБДЎ* *Парданазаров Д.Ф*
*Мактаб хамшираси* *Пардаева У*
*Касаба уюшма раиси* *Ботирова М.К*

# "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"

## Mas`uliyati cheklangan jamiyati

Тошкент вилояти Охангарон тум., Ёи арик, Дустлик кўчаси 2
Х/р: 20208000105136524002 ИНН: 306 816 933 МФО: 00 364
ГУЛИСТОН Ш. "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

«16» 04 2022 й.
№ 11

**Охангарон коракўл математика ва физика
фанларига ихтисослаштирилган
мактаб-интернати рахбарига**

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH" Сизга, 2022 йил 14 апрел санасида Узбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасига жойлаштирилган 22110012070500-сонли "Энг яхши таклифни танлаб олиш" лотидаги талабларга мувофик, куйидагиларни маълум киламиз:

- **МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** корхонасида 16.04.2022 йил холатига овкат тайёрлаш буйича аутсорсинг хизматини ташкил этиш , буйича тажриба эга.
- Ушбу сохада ишлончи 5 нафар малакали ошхона ходимлари фаолият олиб боради.
- Корхонанинг 2021 йил айланма маблаглари **213 297 365 (Икки юз ўн уч миллион икки юз тўксон етти минг уч юз олтмиш беш)** сўмни ташкил килган.
- Корхонамиз балансида хозирги кунда тайёр овкатланишни ташкил этиш аутсорсинг хизмати учун 3 дона автотранспорт воситаси мавжуд.

  Сиз рахбарлик килаётган **Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати** ошхонасида Карорда назарда тутилган жорий таъмир талаб жойларини таъмирлаш, эскирган асосий воситаларни кайта таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш ишлари амалга оширилади;
- Сиз рахбарлик килаётган **Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати** ошхонаси ходимларини иш жойини саклаш хамда малака ошириш ишларини амалга ошириш ишларини олиб бориш;

Техник хизмат ходимларини (супурувчи, коровул, богбон) бепул овкатлантиришни ташкил этиш кузда тутилган;
Юкоридагилардан келиб чикиб, Сизнинг талабларингизга мувофик тайёр иссик овкатларини уз вактида хамда сифатли етказиб беришни кафолатлайди.

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"рахбари: Н.Н.Эшимова

FAROVON-YUKSALISH-QURILISH

# "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"

## Mas`uliyati cheklangan jamiyati

Тошкент вилояти Охангарон тум., Ён арик, Дустлик кўчаси 2
Х/р. 20208000105136524002 ИНН: 306 816 933 МФО: 00 364
ГУЛИСТОН Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

«16» 04 2022 й.
№ 12

Охангарон коракўл математика ва физика
фанларига ихтисослаштирилган
мактаб-интернати рахбарига

**КАФОЛАТ ХАТИ**

**МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** Сизга, 2022 йил 14 апрел санасида Узбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржасига жойлаштирилган 22110012070500-сонли "Энг яхши таклифни танлаб олиш" лотидаги талабларга мувофик, куйидагиларни маълум киламиз:

- **МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** корхонаси 16.04.2022 йил холатига банкротлик холатида эмас.
- **МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** корхонаси 16.04.2022 йил холатига харидорлар (ёки бюджет ташкилотлари, юридик макомдаги буюртмачилар) билан хеч кандай карздорлик ёки корхонамиз томонидан шартнома шартларини бажармаслик юзасидан хеч кандай суд ишлари кутарилмаган ва олиб борилмаяпти.
- **МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** корхонаси 16.04.2022 йил холатига солик имтиёзларига эга эмаслиги, шунингдек молиявий операцияларини амалга оширишда маълумотларни ошкор кили шва такдим этишни таъминланмайдиган штатлар ёки худудларда руйхатдан утган ва банк хисоб ракамларига эга булганлар (оффшор зоналар) каторида эмас;
- **МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"** корхонаси 16.04.2022 йил холатига кура, Давлат харидлари электрон тизимида "инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри"да мавжуд эмас (маълумотлар илова килинади).

Юкоридагилардан келиб чикиб, Сизнинг талабларингизга мувофик тайёр иссик овкатларнини ўз вактида хамда сифатли етказиб беришни кафолатлайди.

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"рахбари: Н.Н.Эшмова

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH" ва Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўртасидаги тузилган "25" апрел 2022 йилдаги 101- -сонли шартномага

# С П Е Ц И Ф И К А Ц И Я

(сумда)

| № | Хизмат тури | Улч. бирл. | Микдори | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Организация горячего питания (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) | порц. | 3582 | 22 000 | 78 804 000 |
| 2 | Устама хаки 20% | усл. | 3582 | 4 400 | 15 760 800 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| **Жами:** | | | | | 94 564 800 |

"Аутсорсер"

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"

_______________ Н.Н.Эшимова

"Буюртмачи"

Охангарон коракўл математика ва физика фанларига ихтисослаштирилган мактаб-интернати

_______________ И.Р.Хамдамов

# "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"
## Mas`uliyati cheklangan jamiyati

Тошкент вилояти Охангарон тум., Бм арик, Дустлик кўчаси 2
Х/р: 20208000105136524002 ИНН: 306 816 933 МФО: 00 364,
ГУЛИСТОН Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

**Охангарон коракўл математика ва**
**физика фанларига**
**ихтисослаштирилган**
**мактаб-интернати рахбарига**

№ 2
"06" 04 2022 й.

**Тижорат таклифи**

МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH" ташкилоти, Сиз томондан "etender.uzex.uz" сайтига 2022 йил 14 апрел куни жойлаштирилган 22110012070500-сонли лот буйича, Сизга куйидаги Аутсоринг хизмати (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) буйича куйидаги нархда узининг тижорат таклифларини таклиф килади.

| № | Хизмат тури | ўлч. бирл. | Нархи |
|---|---|---|---|
| 1 | Организация горячего питания (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) | порц. | 22 000 |
| 2 | Устама хаки 20% | усл. | 4 400 |
| | | | |
| | | | |

**МЧЖ "FAROVON-YUKSALISH-QURILISH"**
**рахбари:** **Н.Н.Эшимова**
м/у